


МЕЖДУНАРОДНЫЙ СОВРЕМЕННЫЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

НАУЧНЫЙ ИМПУЛЬС



Последние
новости

Последние
образование

Последние
исследование

И НОВЫЕ НАУКИ



Международный современный научно-практический журнал

Научный импульс

№ 3 (100)
Октябрь 2022 г.

Часть 1

Издается с августа 2022 года

Москва 2022

TA`LIM-TARBIYA JARAYONIDA INTERFAOL METODLARNI QO`LLASH. TA`LIM-TARBIYA SAMARADORLIGINI OSHIRISHDAGI AHAMIYATI. Y.T.Qiyomov Daminov Boyqobil Ollonazar o`g`li Xonnazarov Ulug`bek Baxtiyor o`g`li	505
UY-JOY KOMMUNAL HIZMAT KO`RSATISH TURLARI VA ULARNING ISTIQBOLDAGI RIVOJLANISHINI BELGILASH TO`G`RISDAGI FARMONLAR VA ULAR HAQIDAGI XULOSALAR Y.T.Qiyomov Abdurashidov Fazliddin Baxtiyor o`g`li Ziyodullayev Diyorbek Sobir o`g`li	509
“HOMILADOR AYOLLAR GARDIROBI UCHUN MUHUM TAVSIYALAR” G.M. Teshaboyeva A.Tilaboldiyeva	512
ВЛИЯНИЕ КУЛИНАРНОЙ ОБРАБОТКИ НА УСВОЕНИЕ БЕЛКА У.Б.Ахраров	515
АҚШ ЁЗУВЧИСИ МЕРИ ЭЛИС МАНРО АСАРЛАРИДА АНТРОПОНИМЛАР ВА ТАБИАТ ОБРАЗЛАРИНИНГ СИМВОЛИКАСИ Хайруллоева Нигорабегим Нематилло кизи	518
ATMOSFERANI BUZILISHI BILAN BOG`LIQ FAVQULODDA VAZIYATLARNING INSON SALOMATLIGIGA SALBIY TA`SIRI Dadabayeva Naziraxon Abdurazaqovna	524
ГОЛОСЕМЕННЫЕ РАСТЕНИЯ Хасанова Мадина Қахрамон қизи	528
ТЕХНОЛОГИЯ СВАРКИ ЧУГУНА Турдиев А.Х. Абдуллаев Ж.Х	532
THE CONCEPT OF FEMINISM GENDER IN “SISTER CARRIE” BY THEODORE DREISER Sharafutdinova Dilnoza Komilovna	536
THE MAIN FEATURES OF TRANSLATION OF PHRASEOLOGY FROM ENGLISH INTO UZBEK Saidova Zulfizar Khudoyberdievna	542
“TANHO QAYIQ” ASARIDA GLOBAL MUAMMOLARNING YORITILISHI Omanova Mubora Mamatkarimova Fotima	546
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ВОДОСНАБЖЕНИЯ ПРИ СТРОИТЕЛЬСТВЕ ПЛАВАТЕЛЬНЫХ БАССЕЙНОВ Хамдамова Мадинахон Файзулла кизи Назаров Рохатжон Уктамович	550
TARIXIY MANBALAR VA ILMIY TADQIQOTLARDA EKOLOGIYA VA ATROF MUHITNI MUHOFAZA QILISH MASALALARI	557

АҚШ ЁЗУВЧИСИ МЕРИ ЭЛИС МАНРО АСАРЛАРИДА АНТРОПОНИМЛАР ВА ТАБИАТ ОБРАЗЛАРНИНГ СИМВОЛИКАСИ

Хайруллоева Нигорабегим Нематилло кизи
*Бухоро давлат университети Инглиз адабиёти
ва стилистика кафедраси таянч докторанти*

Аннотация: Ушбу мақолада америкилик ёзувчи Мери Элис Монро асарларидаги антропонимлар (шахс номлари) ва асардаги табиат образларнинг рамзий маънолари тадқиқ қилинган. Ёзувчининг «Beach House series», «Sweetgrass», «The Butterfly's Daughter» каби эко-фикшн асарларида табиат билан боғлиқ кўп учрайдиган образларнинг, шунингдек, асарлардаги шахс номларининг символикаси таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: эко-фикшн, рамз, антропонимлар, табиат образлари, символика

Адабий асарда рамзнинг қўлланиши деганда асосий маънодан ташқари кўчма маънога ҳам эга бўлган сўзлар тушунилади. Масалан, кўпинча "тонг" сўзи янги ҳаёт, янги йўлнинг бошланиши сифатида ишлатилади. Рамзлар китобхонга мураккаб тушунчалар ва асосий мавзуларни тасаввур қилишда ёрдам беради. Муаллифларга мураккаб ғояларни самарали ва моҳирона этказиш имкониятини беради. Ўқувчилар матнни ёзувчининг нуқтайи назари билан эмас, балки ўзларича тушунадилар. Рамзий тасвирлар билан матн янада ҳиссиётли бўлади.

XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларида Замонавий Америка адабиётига ўзининг инсон ва табиат муносабатларини бетакрор тасвирловчи романлари билан кириб келган машҳур ёзувчи Мери Элис Монро ижоди жаҳон адабиётида беқиёс ўрин эгаллаган.²⁹ Монро асарларида ҳам табиатга алоқадор бир қанча образлардан кенг фойдаланилган. Уларда рамзий мазмунни таҳлил қилиш мумкин. Жумладан, қўйидаги образлар ёзувчи асарларида тез-тез учрайди ва улар асарда ўзига хос стилистик вазифага эга:

- Оролдаги уй
- Дарё
- Бўрон

Бу каби рамзий тасвирлар орқали Монро табиат ва инсон табиати ўртасидаги ўхшашликларни тасвирлашга уринади.

Бўрон тасвири адабиётда ваҳимали ва ёқимсиз ҳодисаларнинг даракчиси сифатида рамзланади. Монро асарларида ҳам бўрон шу характерга эгаллигини адабанинг "Sweetgrass" асаридаги қўйидаги парчада ҳам кўришимиз мумкин:

²⁹ Хайруллоева, Н. (2021). Eco-Fiction and M.A. Monroe. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz)*, 8(8).

“All was dark except for the faint flickering of yellow light from the upstairs bedroom. He was home and awake, probably reading by the light of a camp lamp. Feeling faint of heart for the first time since she’d started this mad escapade, she leaned her bike against the porch and scurried through the rain up the stairs to the front door just as lightning scarred the sky. She felt breathless from the ride and from nervousness. Taking a calming breath, she knocked three times on the door. Thunder rumbled over the marsh, low and deafening. The storm was not yet over. Suddenly she didn’t want to be standing out in the rain any longer. Making a fist, she pounded the door, her desperation and fear sounding loudly against the wood.”

Ушбу парчада тинимсиз ёғаётган ёмғир асар қахрамонининг ички тўғёнларини янада таъсирли ифодалашга ва туннинг қўрқинчли тасвирини китобхонга бадиий тарзда етказишга хизмат қилади. Ёки «Beach house» нинг деярли ҳар бир китобида учрайдиган бўрон тасвири ҳам ўзига хос услубий вазифага эга. Масалан, “Beach House memories” да оролда тез-тез содир бўладиган кучли бўрон эслатиб ўтилади. Китобнинг сўнгига рўй берадиган довул орқали Кара онасининг чексиз муҳаббатини ва Бретнинг англашилган севгисини кашф қилади. Оролда қолишга қарорини англаб етади.

«Оролдаги уй» адабий образини ҳам “Beach house series” нинг ҳар бир китобида учратишимиз мумкин. Бу тасвир бир қанча рамзий ғояларни ўзида мужассамлаштиради. Бу оилавий сагадаги ҳар бир қахрамон учун оролдаги мўжаз уйнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Айниқса Ратледжлар оиласининг аёллари учун бу уй ғоятда муқаддас. Асарнинг протагонисти Оливия учун «Isle of Palms” даги уй ниҳоятда қадрли хотиралар ва бебаҳо туйғулар маконидир. Романда ҳар ёзда Оливия болалари Кара ва Палмер билан Палма оролидаги пляждаги уйга боради. Ўртасидаги масофадаги (фақат бир неча миля) биров сезиларсиз фарқга қарамай, Примрозга жўнаб кетар экан, Чарлстондаги Традд кўчасидаги тарихий уйини тўлдирган кўп асрлик қимматбаҳо антиқа буюмлар билан бирга Оливия ўзининг барча муаммоларини шу ерда қолдиргандек ҳис қилади. Қимматли хотираларга бой ёз ойларида бу уй Ловининг муқаддас бошпанаси. Бу эрда у ўз фарзандлари билан замонавий «она»нинг ижтимоий мажбуриятларидан ва зўравон эрининг ҳурматсиз муносабатидан қочиши мумкин. Бу эрда у ўзининг "тошбақа хоним" сифатидаги чақириғига интилиб, тунги иссиқ қумга тухум қўйиб, кейин яна денгизга сирпаниб кетадиган денгиз тошбақаларига ғамхўрлик қилади.

1. «The beach house had become not only a beloved place but also a symbol of freedom.»³⁰ (Оливия Ратледж)

2. «A special place by the sea to recharge one’s batteries and and renewed purpose. At fifty, she’d buried the past and left again, looking for a fresh start. Now, three years

³⁰М.А.Monroe. Beach House Memories. p:31

later, like the loggerhead sea turtle she was named for, Caretta was returning to the only place she'd ever considered home. » (Кара Патледж)

3. «She would miss it here, she thought, pausing in her cleaning to let her gaze sweep the quaint beach house that she'd called home for the past five years. Each rafter, each mullioned window, each stick of furniture was precious to her. Over there under the front window was Miss Lovie's favorite chair. If she let her mind wander, she could still see her old mentor sitting deep in the cushions reading her bible and sipping tea. Miss Lovie would tap her hand on the ottoman, indicating for Toy to come sit by her for a moment to chat. What would she tell her, Toy wondered? She had so much bubbling inside of her to share. » (Той Сунер)³¹

4.«She realized how very much this house meant to her —no, even more, what the beach house symbolized for her: a strong foundation, grace under pressure, continuance, resilience.»³² (Кара Патледж)

5. «This little beach house had been their sanctuary from whatever buffeted them outside the clapboard walls. » (Линейя Патледж)³³

Ушбу парчаларда Палм оролида жойлашган Примроз номли кичкина уйчанинг асар қахрамонлари учун эркинлик, янгиланиш, кучли ирода, қуч ва сабр-тоқат тимсоли сифатида тасвирланганини кўринимиз мумкин.

Бундан ташқари Монро асарларида сув, хусусан, дарё ва денгизлар табиатнинг инсон учун куч-қувват ва хотиржамлик манбайи тарзида ифодаланганини кўришимиз мумкин. «Beach House Reunion» романида Кара денгиз бўйида ўзини жуда сокин ва хавотирлардан холи ҳис қилади: «Cara goes to the sea to relieve stress, to gather her thoughts, to recharge her batteries.»³⁴ Худди шу асарда денгиз тўлқинлари устида серфинг қилиш Линейя Патледжга эса ўзгача қувонч ва ишонч бағишлайди: “The ocean awakened her, leaving her feeling invigorated, confident, like she belonged here”³⁵ Ҳаттоки Кара улғайтираётган жажжигина қизалоқ Хопе ҳам денгиз бўйида осонгина тинчланади. Ушбу таърифлардан атроф-муҳитнинг инсонга ижобий таъсирини ҳамда инсоннинг она табиатга нақадар мухтож эканлигини кузатишимиз мумкин.

Монро ижодида асар қахрамонлари исмлари, яъни антропонимлар ҳам баъзида асар мазмунини очиб беришга кўмаклашувчи мураккаб ғояларни ташишга хизмат қилади. Исмлар ва номлаш кўп йиллик қизиқарли мавзудир, аммо яқин вақтгача исмларнинг адабий хусусият сифатида умумий муҳокамалари кам эди. Чунки исмлар ҳақидаги саволлар адабий танқидда ҳали ҳам давом этмоқда. Қахрамон номлари қандай танланади? Исмлар ўйлаганимиздан кўра кўпроқ адабий асарларнинг марказий нуқтаси ҳисобланади. Монронинг «Beach House series»,

³¹ M.A. Monroe. Swimming Lessons. p:310

³² M.A. Monroe. Beach House Reunion. p:259

³³ M.A. Monroe. The Summer of Lost and Found. p:10

³⁴ M.A. Monroe. Beach House Reunion. p:98

³⁵ Ibid. p:180

«Sweetgrass», «The Butterfly's Daughter» каби енвайренментал асарларида исмлар, жумладан, Кара(Caretta), Хизеп(Heather), Оливия(Olivia), Луз(Luz) ва Марипоза(Mariposa) кабиларни асарда маълум услубий вазифага эга эканини гувоҳи бўламин.

Жумладан, адибанинг «Beach house» романидаги протагонистлардан Каранинг исмини таҳлил қиладиган бўлсак, бу исмнинг ҳам табиат билан бевосита боғлиқ эканини Монронинг эко-фикшн жанридаги маҳорати билан изоҳлашимиз мумкин. Ёзувчи бошқа тилда мавжуд номлардан фойдаланадими ёки йўқми, уларни ўз тилига таржима қилиш ёки бутунлай янги товуш-график комплексларни яратиш орқали ўз асарида қўллайди. Асарда Оливия Ратледжнинг қизига сув тошбақаларининг лотинча номини (Caretta caretta) Каретта тарзида қўйгани Монронинг атроф-муҳитга, хусусан, тошбақаларга нисбатан меҳр-муҳаббатининг чексизлигини ҳам кўрсатади. "Антономазия" атамаси одатда исмларнинг ҳақиқий маъносини билдириш учун ишлатилади, бу асл исмнинг хусусиятларига эга бўлган шахсни ифодалаш учун ўша исмнинг метафорик услубда ишлатилишидан иборат. Ваҳоланки, Каретта номи асарнинг бош қаҳрамонига китобнинг бошидан охиригача рамзий маънода ҳаёт йулини белгилаб беради: «Yet she'd adopted the signature lone-swimmer lifestyle of the turtle for which she'd been named.»³⁶ Тошбақалардагидек ироданинг кучлилиги ва мустаҳкамлиги асар қаҳрамонининг ўртак бўлувчи ҳусусияти ҳисобланади, тошбақалар яқка сузувчи сув жониворларидир, бироқ ана шунга ўхшаш ёлғизликнинг Карага тез-тез ҳамроҳлиги китобхонни ўйлантириб қўяди.

Илк бор ўн саккиз ёшида у оиласидан ёлғизликда Чикаго штатига ўқиш ва ишлаш учун уйини ташлаб кетади. Кундузи реклама компанияси қабулхонасида ишлаб, кечаси коллежда ўқийди. У етти йил деганда ўз орзусидаги Бостон коллежини тамомлайди. Кучли ирода ва сабр-тоқат ортидан у реклама агентлигида иш бошқарувчи лавозимигача кўтарилади. Қирқ ёшида ишсиз қолгач, мартаба ва омад ортидан қувиб, ишонадиган дўсти, суянадаиган оиласи ва фарзандлари ҳалигача йўқлигидан, тушкунликка тушиб, онаси олдига Палм оролидаги соҳилдаги уйга қайтади. Бироқ онаси ҳам тез орада вафот этиб, Кара яна ёлғиз қолади.

Иккинчи бор дахшатли ёлғизликни эллик ёшида умр йўлдоши Бретт вафотидан сўнг ҳис қилади. Тенессе тоғларида жойлашган Чаттаного шаҳрида сув жониворларини ҳимоя қилувчи Аквариумда ишлайди. Хоп измли қизчани асраб олади, бу муҳим қароридан сўнг, ўзи учун энергия манбайи ҳисобланган соҳилдаги уйга, дўстлари олдига қайтади. Девид исмли собиқ адвокат билан қайта ҳаёт йўлини боғлайди. "Beach House series" китобидаги воқеалар ривожини давомида асар қаҳрамони кучли иродаси сабабли кутилмаган оғир вазиятлардан ҳам муваффақиятли чиқиб кета олади.

³⁶ M.A. Monroe. The Summer of Lost and Found. p:91

Рус олими А. Кухаренко тўғри таъкидлади: «Исм асарга кириб, унинг ичидан семантик жиҳатдан бойитилган ҳолда чиқади ва кенг ассоциатив маънолар мажмуасини қўзғатувчи сигнал вазифасини бажаради. Уларни маълум бир номга ўзига хос тарзда тайинланган семантик тузилма деб ҳисоблаш мумкин».³⁷ Бунга юқоридаги Каранинг исми таҳлили давомида гувоҳи бўлдик.

Бундан ташқари, “Beach House for Rent” романида Хизернинг ташқи кўриниши “Heather” исмининг асл «нафис гул» маъносига мос тарзда тасвирланади. Монро асар қахрамони Хизер қушларга ва уларнинг ажойиб расмларини чизишга қизиқишига мутаносиб тарзда, уни ана шу қушлардек мулойим ва нозик ифодалашга эътибор қаратади.

Шунингдек, адибанинг эко-феминист асарларидан бири “The Butterfly’s Daughter” романидаги бир нечта асар қахрамонларида ҳам исмлар символиксини кўришимиз мумкин. Асар воқеалари АҚШнинг Мичиган штатидаги Милуоки шаҳарчаси ва Мексиканинг Сан Антонио қишлоғида рўй беради. Асар протагонисти Лузнинг исми «ёруғлик» маъносига эга. Келиб чиқиши испан тилига бориб тақалади. Луз исми Nossa Senhora Da Luz бирикмасининг қисқартирилган шаклидан олинган. Тарихга назар солсак, роман католиклари она Марияни сифатлаб, “Our Lady of Light”(Нурли хоним) тарзида мадҳ этганлар.³⁸ Бу сифат асардаги Лузга ҳам мос тушади:

“Mariposa was impulsive. But you are fortaleza, eh? Strong and dependable. You have a special light in your eyes that comes from your soul. I saw this the moment you were born.”³⁹

У асардаги бош қахрамон сифатида жуда кўп воқеаларни бошидан кечиради. Бувиси Эспаранза хонимнинг ўзи туғилиб ўсган Мексиканинг Сан Антонио қишлоғига бориш истагини унинг хокини ўша ерга олиб бориш орқали амалга оширишга қарор қилади. Унинг бу қарори монарх капалакларининг АҚШ нинг Мичиган кўлидан Мексиканинг Сан Антонио шаҳарчасига миграция қилиш пайтига тўғри келади. Луз йўлда Офелия исмли ҳомиладор аёлга ёрдам беради. Ундан ташқари асар охиригача, Маргарет, Стейси ва Билли каби бир нечта қахрамонлар унинг дунёқараши юксалишига ва ўзини шахс сифатида англаб олувчи бир қанча саволларга жавоб топишига сабабчи бўлади. Унинг “ёруғлик” хоними сифатида сифатланишига ўзининг оққўнгилиги ва жасорати сабаб бўлади, десак адашмаймиз.

Асардаги Лузнинг онаси Марипоза исми асар сарлавҳасининг асосидир. “Марипоза” – испанчада “капалак” маъносига эга. Марипозанинг асардаги тасвири капалак мисоли гўзаллик ва нафислик соҳибаси тарзида ифодаланади:

³⁷ Kuharenko, V.A. (1988). Interpretatsiya teksta [Interpretation of the text]. Moscow: Prosveshhenie (in Russian) [Кухаренко, В. (1988). Интерпретация текста. Москва: Просвещение]. p:124

³⁸ Campbell, Mike. "[Meaning, origin and history of the name Luz](#)". *Behind the Name*. Retrieved 2017-11-27.

³⁹ M.A.Monroe.The Butterfly’s daughter. p:37

«Abuela had only ever spoken of her mother as a princess in some fairy tale, using superlatives and terms of praise.»⁴⁰

Марипоза университетда ўқиб юрган пайтида бир немис йигити билан танишиб, ундан фарзанд орттиради, бироқ у йигит масъулиятни ҳис қилишни истамай Германияга кетиб қолади. Марипоза онасининг уйига қайтиб келиб, қизалоғи Лузни дунёга келтиради. Аммо беш ёшида уни бувисига ташлаб, ўзи узоқларга қочиб кетади. Марипоза хонимнинг характеридаги ўйинқароқлик ва енгилликни капалакни тиниб билмай ўқиб юришига қиёслаш мумкин. Асардаги Марипозанинг онаси Эсперанза хоним томонидан билдирилган фикрлар ҳам бунинг исботидир:

“We have both feet rooted on the ground. Your mother”—Abuela paused and her eyes grew sad—“she had both feet planted firmly in the air. My poor, foolish daughter. For all that she enjoyed life, she made it hard, too. Mariposa was a flighty creature. Like the butterfly I named her for. You could never pin her down. I used to think that was her gift.” She shrugged and regret flashed in her eyes. “But it was also her flaw.”⁴¹

Кўриб турганимиздек, шу исмларнинг эгаси бўлган асар қахрамонига хос бўлган бадий эпитетдан китобхон ўз тахминининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилади. Адабиёт оламига киргач, шахс исмлари матн ва барча ёзувчи ижодининг ономастик тизимида ҳал қилувчи бадий воситага айланади.

Хулоса қилиб айтганда, бадий асарнинг ономастик луғати ҳам бадий палитрада алоҳида ўрин тутди. У ҳар бир ёзувчида сезиларли ифодали восита, услубнинг ёрқин белгиси сифатида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Campbell, Mike. ["Meaning, origin and history of the name Luz"](#). Behind the Name. Retrieved 2017-11-27.
2. Kuharenko, V.A. (1988). Interpretatsija teksta [Interpretation of the text]. Moscow: Prosveshhenie (in Russian) [Кухаренко, В. (1988). Интерпретация текста. Москва: Просвещение].
3. Xayrullojeva, N. (2021). Eco-Fiction and M.A.Monroe. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz), 8(8).
4. M.A.Monroe. Beach House Memories.
5. M.A.Monroe. Swimming Lessons.
6. M.A.Monroe. Beach House Reunion.
7. M.A.Monroe. The Summer of Lost and Found.
8. M.A.Monroe. The Butterfly's daughter.

⁴⁰ Ibid. p:36

⁴¹ M.A.Monroe. The Butterfly's daughter.p:36